

Объектни жорий таъмирлаш ишлари бўйича

3 - сонли

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Фарғона ш

"11" 04 2022 йил.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Фарғона вилоят Курилиш бош бошқармаси** номидан Низом асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи А.У.Рахмонов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **UMAR OLIMXON МСНJ** номидан Устав асосида иш юритувчи **М.Мамаджанов** иккинчи томондан, **Фарғона вилоят Курилиш бош бошқармасининг Фарғона шаҳар С.Темур кўчаси 111-б-йда жойлашган Маъмурий биносини** жорий таъмирлаш (**кейинчалик – объект деб юритилади**) ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қўйидаги таърифлар кўлланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект таъмирлаш ишларига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

таъмирлаш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи”га берилган ер участкаси. Объектнинг таъмирлаш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа бёлгилар билан белгилаб қўйилади;

вактинчалик иншоатлар – “Пудратчи” томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоатлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалиқ бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

2. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1. “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича объектда Таъмирлаш ишларини лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” эса “Пудратчи”га таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Ўзаро шартномавий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва бошқа хукуқий норматив хужжатлар билан тартибга солинади.

3.ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни (шу жумладан, қўшимча қиймат солиги билан биргаликда) ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархда **1 096 140 000** (ир миллиард тўқсон олти миллион бир юз кирқ минг) сўмни ташкил этади.

Агарда қурилиш материаллари нархи смета хужжатларидан фарқ қилса, қурилиш материаллари нархи амалдаги даражадаги нархда, объектнинг умумий қиймати доирасида “Бош пудратчи” томонидан тўланади.

3.2. Объектнинг таъмирлаш ишлари муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар “Бош пудратчи” билан “Ёрдамчи пудратчи” ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

4. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва “Буюртмачи”га топшириш, курилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

шартнома шартларига асосан объектни “Буюртмачи”га тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

“Буюртмачи”ни, “Пудратчи” билан пудрат шартномалари тузилиши давомида, ушбу шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, “Буюртмачи”нинг номи ва манзили тўғрисида хабардор килади;

таъмирлаш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатади;

таъмирлаш майдони кўриқланишини таъминлайди;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун “Буюртмачи” олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

5. БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун “Буюртмачи”:

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган “Пудратчи” томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, “Пудратчи”дан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

Мазкур шартномани расмийлаштириш мобайнида ва кейинчалик бажарилаётган пайтда ушбу шартнома шартларини тўлиқ бажаришни, курилишга етарли рухсат хужжатларига эгалигини ва ҳақини тўлашга бошқа тўсқинлик йўқлигини, шартномани имзолашга мансабдор шахснинг ҳуқуки борлигини, ёзма талабнома аниқ бўлишини ва кейинчалик ўзгармаслигини «Пудратчи» ўз зиммасига олади ва ваколатли идоралар билан келиб чиқкан низоларни ўзининг иштирокида ҳал этишга кафолат беради.

“Пудратчи” томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, тугалланган ишларни, “Буюртмачи” томонидан амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олади;

“Буюртмачи”нинг молиялаштириш жадвалига биноан “Пудратчи”га аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун давомида “Пудратчи”га ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

6. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. “Пудратчи” мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича белгиланган таъмирлаш ишларининг давом этиш вақти лойиха—смета хужжатлари асосида аникланади.

7. ТЎЛОВЛAR ВA ҲИСOB-КИTOБЛАR

7.1. “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи”га аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун “Буюртмачи” томонидан молиялаштириши асос ҳисобланади.

7.2. “Буюртмачи” “Пудратчи”га шартнома бўйича жорий йилдаги иш қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдорда аванс маблағи ўтказади. Аванс маблағларининг миқдори “Пудратчи” томонидан тақдим этиладиган ва “Буюртмачи” томонидан қўриб чиқиладиган объектда ишларни бошлаш учун биринчи навбатда зарур бўлган қурилиш материаллари ҳисоби асосида аникланади.

7.3. Бажарилган ишлар учун тўлов ҳар ойда амалда бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизи миқдорида амалга оширилади.

7.4. “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, “Буюртмачи” бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда “Пудратчи”ни ёзма равишда хабардор қилган холда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хукуқига эгадир. Бунда “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод қилинмайди.

8. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. “Пудратчи” ишларни бажариш жараёнида, ишлаш технологияси ва сифатини бузмаган холда, ўз имкониятларидан келиб чиқкан холда ишлаш усули ва машина-механизмларнинг бир туридан бошқа ишлаб чиқариш куввати баланд/паст механизмларга алмаштириш ва амалда бажарилган иш хажмлари баҳосини аниклашда амалдаги нарх ва механизmlар бўйича расмийлаштириш хукуқига эга.

8.2. “Пудратчи” ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.3. “Пудратчи” объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.4. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш “Пудратчи”нинг вазифаси ҳисобланади.

8.5. “Пудратчи” ўзи томонидан таъмирлашда кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.6. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади. Ишларни қуйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади: “Бош пудратчи”нинг вакили – техник назоратчи (раис), “Бош пудратчи” иш бажарувчиси ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), йўлга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти вакили, лойиҳа ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник хужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.7. “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг ишларни қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиши дафтарларига киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.8. Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш “Буюртмачи” ва “Пудратчи” томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишлар ва йўлларнинг тугалланган конструктив элементларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва киймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган холда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

8.9. Агар “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аниқласа, у холда “Пудратчи” ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

8.10. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи қурилиш монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, “Буюртмачи” ва “Пудратчи”нинг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртacha ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар дафтарда “Буюртмачи” томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни З кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. “Пудратчи” ишлар бошланишидан таъмирлаш тугаллангунгача ва таъмирлаш тугалланган обьект “Буюртмачи” томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

10. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс - мажор) ҳолатлари – бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий – иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни таъқиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда, томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.

10.2. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равища узайтирилади.

10.3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда “Буюртмачи” ва “Пудратчи” ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиласидар.

10.4. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

11. ТАЪМИРЛАШИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Таъмирлаш тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек таъмирлаш тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида “Пудратчи”нинг ёзма билдиришномаси асосида “Буюртмачи” томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

11.3. “Пудратчи” таъмирлаш тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун

олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ “Буюртмачи”га белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради.

12. КАФОЛАТЛАР

12.1. “Пудратчи”:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа-смета хужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажариши;

ўзи томонидан таъмирлаш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларидаги кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

12.2. Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари “Пудратчи” ва “Буюртмачи”нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар “Пудратчи” бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда “Буюртмачи” мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини “Пудратчи”дан ушлаб қолиш ҳукукига эга.

12.4. “Пудратчи” нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торғган тақдирда, уларни текшириб чиқиш тегишли органлар томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

13. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. “Буюртмачи”:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши “Буюртмачи”га боғлик бўлмаган сабабларга кўра “Пудратчи” томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишининг мазкур шартномада белгиланган муддати “Пудратчи”нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

“Пудратчи” томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукукига эга.

13.2. “Пудратчи”:

ишларнинг бажарилиши Ёрдамчи пудратчи”га боғлик бўлмаган сабабларга кўра “Буюртмачи” томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

“Буюртмачи” томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмагандан;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукукига эга.

13.3. Шартнома бекор қилинганда “Буюртмачи” ва “Пудратчи”нинг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 15 кун муддатда “Буюртмачи”га берилади, “Буюртмачи” бажарилган ишлар қийматини “Пудратчи”га тўлайди.

13.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор килган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдана тўлайди.

13.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл кўйилмайди, қонун хужжатларидаги ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

14. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларидаги ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

Таъмирлаш ишларини олиб бораётган “Пудратчи” ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ “Бош пудратчи” олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;

“Буюртмачи” билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ва бошқа ихтинослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж қилиш муддатларини бузилиши;

объектнинг лойиха-смета хужжатларида белгиланган ерларни рекультивация қилиш ишлари бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;

Таъмирлаш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда “Пудратчи”, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аникланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуксонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўлақонли бажармагани.

“Пудратчи” ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигига “Буюртмачи”, агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган такдирда, “Пудратчи” ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра қуйидагиларни талаб қилиш хукуқига эга:

нуксонларни оқилона муддатларда ўз ҳисобидан бартараф этишни;

Агар “Пудратчи” ташкилот нуксонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, “Бош пудратчи” ёки йўлдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан “Пудратчи” ҳисобидан нуксонларни бартараф этиш ҳамда нуксонларни ўз вактида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш хукуқига эга.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вактида молиялаштирумaganлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун “Буюртмачи” “Пудратчи”га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши “Пудратчи”ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. “Пудратчи” томонидан объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса “Пудратчи” “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш “Буюртмачи”ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплади.

“Буюртмачи” “Пудратчи”нинг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисобкитоблардан аникланган камчиликлар натижасида “Бош пудратчи”га қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вактида бажармаса, “Буюртмачи” ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш хукуқига эга.

14.5. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

15. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда

пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

16. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. “Пудратчи” қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини “Буюртмачи”нинг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий ҳисобланади.

16.4. “Буюртмачи” билан “Пудратчи” ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равища тасдиқлаши керак.

16.5. Агар “Пудратчи” шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда “Буюртмачи” “Пудратчи” қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

16.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

16.7. Мазкур шартномани томонлар имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабрь кунигача амал қиласди.

16.8. Мазкур шартнома ўзбек тилида бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

17. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

| «Буюртмачи» | «ПУДРАТЧИ» |
|---|--|
| Фарғона вилоят қурилиш бош бошқармаси | UMAR OLIMXON MCHJ |
| Манзили: Фарғона шаҳар С.Темур кўчаси 111 Б-уй | Манзил: Қўкон шаҳар, Эскиараб 7-уй. |
| Тел/факс: (73)-226-22-77 | Тел: (90) 307-70-70 |
| ШХВ: 400121860304017044303130002 | x/r: 20208000900893075001 |
| Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 203228214 | СТИР: 305606625 |
| ОКОНХ: 97 400 ИФУТ: 84112 | МФО: 00401 |
| Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги | Алоқа банк Қўкон филиали |
| Газна X/B: 23402000300100001010 | |
| Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМБ | |
| МФО: 00014 СТИР: 201122919 | |
| Рахбар  A.U.Rahmonov | Рахбар  M.B.Mamadjanov |



 А.У.Рахмонов



 М.Б.Мамаджанов